Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

• 2011-yil, 12-iyul. Seshanba • 82 (31.358) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОЙИШИ

## ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ЎСМИРЛАР ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

1. Футбол бўйича ўн етти ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида Мексикада ўтказилган 2011 йилги жаҳон чемпионатида муносиб иштирок этиб, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшгани, истиқлол даврида вояга етган баркамол авлодимизнинг энг ёрқин фазилатларини яққол намоён этгани учун қуйидагилар «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил» эсдалик нишони билан мукофотлансин ва иловага мувофиқ моддий рағбатлантирилсин:

Талипджанов Аскар Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси делегацияси раҳбари

Евстафеев Алексей терма жамоа бош мураббийи

Мусаев Ахмаджон терма жамоа катта мураббийи

Рошин Алексей терма жамоа мураббийи

Исмаилов Муродбек терма жамоа мураббийи

Мехмонов Рустам терма жамоа шифокори

Шамсутдинов Руслан терма жамоа массажисти

Ризаев Санжар терма жамоа матбуот котиби

Холмуродов Ғанишер Рўзи ўғли терма жамоа дарвозабони

Абдулжалилов Абдумавлон Абдуқодир ўғли терма жамоа дарвозабони

Смородин Сергей Дмитриевич терма жамоа дарвозабони

Рахманов Сардор Ғафур ўғли терма жамоа ҳимоячиси

Мирабдуллаев Жавлон Мамуржон ўғли терма жамоа ҳимоячиси

Убайдуллаев Мухсинжон Хамидулло ўғли терма жамоа ҳимоячиси

Жўрабаев Мирзамурод Тўравой ўғли терма жамоа ҳимоячиси

Хайдаров Равшанжон Йигитали ўғли терма жамоа ҳимоячиси

Мансуров Асилжон Ҳусан ўғли терма жамоа ҳимоячиси

Асқаров Хасан Акбаржон ўғли терма жамоа ҳимоячиси

Махсталиев Аббосбек Мухаммадалиевич терма жамоа ярим ҳимоячиси

Сабирходжаев Сардор Сабитжон ўғли терма жамоа ярим ҳимоячиси

Ярбеков Давлатбек Рустам ўғли терма жамоа ярим ҳимоячиси

Давлатов Бобир Баходир ўғли терма жамоа ярим ҳимоячиси

Муратов Азизбек Раджаб ўғли терма жамоа ярим ҳимоячиси

Холмуродов Холмурод Сайриддин ўғли терма жамоа ярим ҳимоячиси

Усманхожаев Диор Ойбекович терма жамоа ярим ҳимоячиси

Хакимов Тимур Рафаильевич терма жамоа ҳужумчиси

Хакимов Жасурбек Баротович терма жамоа ҳужумчиси

Камолов Нодирхон Равшан ўғли терма жамоа ҳужумчиси

Ўринбоев Забиҳилло Бахтиёр ўғли терма жамоа ҳужумчиси

2. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Ўзбекистон Футбол федерацияси билан биргаликда мукофотларни Олимпия шон-шуҳрати музейида тантанали равишда топширилишини таъминласин.

3. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2011 йил 11 июль*









Муносабат

## Бош мақсад — фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш

Куни кеча Президентимизнинг «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони матбуотда эълон қилинди.

Халқимиз турмуш фаровонлигини янада юксалтириш йўлидаги мазкур хайрли иш юртдошларимиз томонидан хурсандчилик, миннатдорлик билан кутиб олинди.

**Омина АЛИЕВА,**
*пенсионер, Бувайда тумани:*

— Бутун умр халқ таълими тизимида ишладим. Бугун эса кексалик гаштини суриб, давлатимиз, Президентимиз ардоғидаман.

Болаларимнинг топиш-тутиши яхши, лекин уларнинг қўлига қараб қолганим йўқ. Пенсиям барча эҳтиёжларимга етиб ортади. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» унвонини олганман. Шу сабабли ҳам пенсиямга яна устама қўшилади.

Ўтган йили дам олиш мақсадида Қримга борган эдим. Ўша ердаги пенсионерлар билан гаплашдим. Ҳисоблаб кўрсам, биз улардан кўпроқ пенсия олар эканмиз.

Мамлакатимизда пенсиялар ҳам иш ҳақи билан биргаликда мунтазам ошириб борилиши бизни суюнтиради. Бир сўз билан айтганда, кексалар юртимизда ҳар доим иззатда яшаб келмоқда.

**Дилфуза ҒАНИЕВА,**
*Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги 2-академик лицей ўқитувчиси, «Шуҳрат» медали соҳиби:*

— Ойлик маошларимиз ошишини эшитиб хурсанд бўлдим. Ҳар доим Президентимизнинг Фармони чиққанида менга биринчи бўлиб онам қўнғироқ қилиб: «Болам, эшитдингми, пенсиямиз ошибди», дейди.

Мустақиллик йилларида ўқитувчилар меҳнатини муносиб рағбатлантиришга, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳукуматимиз томонидан катта эътибор берилди. Ўқитувчининг ойлиги ошибди degани худди унинг обрўси ошибди деган янглиғ янграйди. Биласизми, бу ерда муҳими пул эмас. Балки меҳнатимизнинг қадрланаётгани, рағбат олаётганимиздир.

**Бобурмирзо МИРЗААҲМЕДОВ,**
*Ўзбекистон Миллий университети талабаси:*

— Президентимизнинг «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармонини газетада ўқиб, дарҳол дўстларимга қўнғироқ қилиб, хушхабарни етказдим.

Мен талабаман. Ота-онам эса бюджет муассасаларида ишлайди, бувим пенсионер. Агар шуларни барчасини қўшсам, турмуш тарзимиздаги сезиларли юқорилашга алоҳида тўхталиб ўтишнинг ҳожати бўлмаса керак...

Бир сўз билан айтганда, бу муқаддас Ватанда азиздир инсон.

**Темур АЪЗАМ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2011 йил 11 июлдаги
Ф-3675-сонли фармойишига

ИЛОВА

**«LACETTI» автомашинаси билан:**

Евстафеев Алексей терма жамоа бош мураббийи

Мусаев Ахмаджон терма жамоа катта мураббийи

**«SPARK» автомашинаси билан:**

Холмуродов Ғанишер Рўзи ўғли терма жамоа дарвозабони

Рахманов Сардор Ғафур ўғли терма жамоа ҳимоячиси

Мирабдуллаев Жавлон Мамуржон ўғли терма жамоа ҳимоячиси

Убайдуллаев Мухсинжон Хамидулло ўғли терма жамоа ҳимоячиси

Хайдаров Равшанжон Йигитали ўғли терма жамоа ҳимоячиси

Мансуров Асилжон Ҳусан ўғли терма жамоа ҳимоячиси

Махсталиев Аббосбек Мухаммадалиевич терма жамоа ярим ҳимоячиси

Сабирходжаев Сардор Сабитжон ўғли терма жамоа ярим ҳимоячиси

Ярбеков Давлатбек Рустам ўғли терма жамоа ярим ҳимоячиси

Давлатов Бобир Баходир ўғли терма жамоа ярим ҳимоячиси

Муратов Азизбек Раджаб ўғли терма жамоа ярим ҳимоячиси

Холмуродов Холмурод Сайриддин ўғли терма жамоа ярим ҳимоячиси

Хакимов Тимур Рафаильевич терма жамоа ҳужумчиси

## Биз сиз билан фахрланамиз!



КОНЦЕПЦИЯ:

## Ҳуқуқий маданият юксалиши

*демократик янгиланиш гаровидир*



**Комил ОЧИЛОВ,**
*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси*

«Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да жамият ривожи, амалга оширилаётган ислоҳотлар муваффақияти кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқ экани алоҳида таъкидланди.

Ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга қаратилган мақсадли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш таклиф қилинди.

Тараққий этган демократик давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳуқуқий маданият шаклланган жамиятда қонун устуворлиги, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурлари ижросида жамоатчилик назорати кучаяди. Шу ўринда таъкидлаш жоиз, юртимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бу масалага жиддий эътибор қаратиб келинади.

⇨ 2

### 13 июль — Рустам Қосимжонов жаҳон чемпиони бўлган кун



**Рустам ҚОСИМЖОНОВ:**

## Мен эмас — Ўзбекистон чемпион бўлди, жаҳон шоҳмот тожига мен эмас — бутун ўзбек халқи сазовор бўлди

⇨ 3

ЎзХДП депутатлик гуруҳлари ташаббуси билан

## Истеъмолчилар ҳуқуқи ҳимояси

*электорат манфаати ҳимояси демак*

⇨ 2

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2011 ЙИЛ 12 ИЮЛДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1841,57 | 1 Миср фунти | 288,97 | 1 СДР | 2734,12 | 10 Жанубий Корея вони | 16,24 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2751,78 | 1 Канада доллари | 1783,09 | 1 Туркия лираси | 1054,29 | 10 Япония иенаси | 213,00 |
| 1 БАА дирҳами | 468,31 | 1 Хитой юани | 266,04 | 1 Швейцария франки | 2052,72 | 1 Россия рубли | 61,67 |
| 1 АҚШ доллари | 1719,97 | 1 Малайзия ринггити | 572,75 | 1 Евро | 2478,85 | 1 Украина гривнаси | 215,78 |

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

# КОНЦЕПЦИЯ:

# Ҳуқуқий маданият юксалиши

## *демократик янгиланиш гаровидир*

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

Президентимиз ташаббуси билан Олий Мажлис томонидан қабул қилинган **«Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури»** бунинг бир мисолидир. Мазкур дастур мамлакатимизда инсон ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий ҳаётни демократлаштириш, хусусан, ҳар соҳада кечаётган ўзгариш жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлашга қаратилгани билан қимматли.

Концепцияда давлат ва жамият қурилиши, бозор иқтисодиёти муносабатлари, суд-ҳуқуқ тизимини мустаҳкамлаш борасида илгари сурилган ғояларнинг ҳаётимизга татбиқ этилишида ҳуқуқий маданият юксалиши ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шу боис, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган дастур қабул қилиниши ҳар жиҳатдан мақсадга мувофиқдир.

Маънавий уйғоқ инсон теварак-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлмайди, унга муносабат билдиради. Бу — оддий қонуният. Энг муҳими, ўз иш фаолиятини самарали йўлга қўяди, жамият олдида масъулият ҳис қилади. Жойлардаги хато ва камчиликларни бартараф этиш учун курашади. Чунки у бундан манфаатдор. Конституция ва қонунларда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш баробарида бошқаларни ҳам шунга ундайди.

Шу маънода, ҳуқуқий маданиятни кўтариш — давлат ва жамият олдида турган муҳим вазифадир. Бунда ҳар биримизнинг ўз ўрнимиз ва иштирокимиз бўлиши лозим.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий, сиёсий-маънавий ислоҳотлар қамрови жуда улкан. Асосий мақсад — инсон манфаатларини таъминлаш, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдан иборат. Афсуски, мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталикни, яшариш ва бунёдкорликни кўра олмайдиган, давлатимиз эришаётган ютуқларга ғаразли кўз билан қарайдиган, халқимиздаги яратувчилик иштиёқини сўндиришга уринаётган қора кучлар ҳам йўқ эмас. Улар қандай бўлмасин, ишимизга тўсиқ бўлишга, танлаган йўлимиздан оғдиришга уринади. Ҳасад ўтида ёнади. Бу — хатарли, албатта. Шу боис, дастурда мафкуравий иммунитетни шакллантириш, хусусан, хотин-қизлар ва ёшларда ҳуқуқий онгни кучайтиришга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

«Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Қонунда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъектлар билан бирга, фуқаролар, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлмаган давлат органлари ва нодавлат ташкилотларнинг қонун лойиҳаларини тайёрлашда иштирокини белгилаб берувчи ҳуқуқий меъёр киритилди. Бундан кўзланган мақсад — қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва қабул қилишда фуқароларнинг бевосита иштирокини кучайтиришдан иборат. Қонун лойиҳалари шаклланиш жараёнида оддий одамлар қанча фаол иштирок этса, қабул қилинаётган қонунлар шунча ҳаётий ва бекаму кўст бўлади. Айни пайтда, қонунлар ижросининг самарадорлиги ортади.

Шу билан бирга, оммавий ахборот воситалари орқали қонунлар мазмун-моҳияти тўғрисида малакали мутахассислар чиқиши ва муҳокамасини мунтазам уюштириб бориш керак. Бу — кенг жамоатчиликда, айниқса, ёшларда ҳуқуқий дунёқараш кенгайишига хизмат қилади. У қанча содда, тушунарли бўлса, шунча яхши. Нимага десангиз, олис қишлоқ ва туманларда яшовчи аҳоли ҳам қонун меъёрлари ҳақида тушунча ҳосил қилиши учун имкон беради.

Шу ўринда яна бир масалага эътибор қаратиш керак. Қонун лойиҳалари Қонунчилик палатасида муҳокама қилинаётганда, мана шу жараён имкон қадар телевидение ва матбуот саҳифаларида мутахассислар ёрдамида таҳлил қилинса, шарҳлаб борилса, бу кенг жамоатчиликни муҳокамада иштирок этиши учун йўл очади.

Шу билан бирга, Қонунчилик палатаси депутатлари иштирокидаги учрашувлар асосан қонун лойиҳалари муҳокамаси ва қонунлар ижросида мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилиши лозим. Бунинг самараси ўларок, аввало, қонун лойиҳалари юзасидан кенг жамоатчиликнинг таклифлари ўрганилади, қолаверса, қонунлар мазмун-моҳиятидан барча бирдек хабардор бўлади. Бу, ўз навбатида, қонунлар ижроси тўла-тўкис таъминланишига замин яратади.

Қонунни четлаб ўтишдан эмас, балки қонун доирасида иш юритишдан ҳар бир инсон манфаатдор эканини катта-ю кичик чуқур англаб етиши зарур. Зеро, мамлакатимизда яратилаётган инсонпарвар қонунлар меъёрлари одамлар онгига синган ва улар орқали амал қилинган тақдирдагина яшайди ва рўёбга чиқади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси, Республика «Ҳунарманд» уюшмаси Фарғона вилоят бўлими, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ҳамкорликда касаначилик меҳнатини ташкил этиш ва унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш бўйича семинар ташкил этди.

# КАСАНАЧИЛИК:

# амалий таклифлар айтилди

***«Ҳунарманд» уюшмаси Марғилон шаҳар бўлимида ўтказилган мазкур тадбирда касаначилик билан шуғулланиш истагида юрган хотин-қизлар ва ёшларнинг иқтисодий-ҳуқуқий билимини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.***

***Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Гулноза Эрназарова касаначилик фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган қонун лойиҳаси ҳақида атрофлича маълумот берди. Хотин-қизларнинг касаначилик асосида ишлаши, бунинг афзал жиҳатлари ва қонуний имкониятлари ҳақида батафсил фикр юритди.***

***Семинарда сўзга чиққанлар касаначилик фаолиятини янада ривожлантириш борасида фикр-мулоҳаза билдиришди.***

**Муҳаммаджон КАРИМОВ,**
*уста:*

— Атлас, адрас каби миллий матолар тўқишни катта усталардан ўрганганман. Бугун бу ҳунар сирларини ёшларга ўргатаяпман. Яқинда яна 8 нафар қизни шогирдликка олдим. Бошқа кўплаб усталар ҳам шундай хайрли ишлар қилмоқда. Уста-шогирд анъанасига ҳуқуқий мақом берилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Хусусан, шогирд тайёрлаган усталарга тегишли тартибда иш ҳақи тайинланиб, хомашё билан таъминлаш, тайёр маҳсулот сотувини ташкил этишда ҳуқуқ ва имтиёзлар берилса, бу — касаначилик ривожига хизмат қилади. Энг муҳими, уста-шогирд анъанаси асосида кўплаб ёшлар ҳунарли бўлади.

**Жамила АҲМЕДОВА,**
*Марғилон шаҳар ҳокими ўринбосари:*

— Шаҳримизда минг нафардан зиёд ҳунарманд расман касаначилик асосида фаолият юритади. Лекин норасмий фаолият кўрсатаётан ҳунармандлар бундан 2-3 борабар кўп. Шу боис, ҳар бир касаначи ва иш берувчи корхона-ташкилот ўртасида меҳнат шартномаси тузилишига жиддий эътибор қаратиш зарур. Шунингдек, касаначиларга меҳнат дафтарчаси юритилиши бўйича жамоатчилик назоратини кучайтириш лозим. Шунда касаначиликни кенгайтириш имкони туғилади. Биз бу борада ЎзХДП шаҳар кенгаши билан қўшма лойиҳа ишлаб чиқаяпмиз.

**Ўктамхон ҚОСИМОВ,**
*иш берувчи:*

— Маҳалламиздаги 15 нафар аёлни келин либоси тикиш бўйича қайта тайёрладик. Улар тикаётган либослар сифатли ва харидоргир. Афсуски, маҳсулотни уйда ёки тикиш жойида сотишга тўғри келаяпти. Шаҳар бозори ёки савдо мажмуаларида ҳунармандлар ишлаб чиқарган маҳсулотлар учун махсус расталар ташкил этилса, сотувчи ҳам, харидор ҳам бундай қулай шароитдан мамнун бўларди.

Тадбир давомида, шунингдек, марғилонлик ҳунармандлар тайёрлаган маҳсулотлар кўргазмаси ташкил қилинди.

**Муҳаммаджон ОБИДОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

ЎзХДП депутатлик гуруҳлари ташаббуси билан

# Истеъмолчилар ҳуқуқи ҳимояси

## *электорат манфаати ҳимояси демак*

Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи партия электорати манфаати билан боғлиқ масалаларни чуқур ўрганиш, уларни ҳал этиш чораларини кўришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда изчилликни таъминлаш, юзага келаётган хато ва камчиликларни атрофлича таҳлил қилиш, амалий таклифлар тайёрлаш депутатлик гуруҳи фаолиятида алоҳида ўрин тутади.



**Валиқул БЕРДИҚУЛОВ,**
*халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши депутати, ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси*

Биз ўтган йилдан то ҳозиргача депутатларимизнинг сайловчилар билан учрашувлари чоғида билдирилган фикрлар, кўтарилган масалалар ҳамда партиямизнинг Жамоатчилик қабулхоналарига тушган мурожаатларни ўрганиб, чуқур таҳлил этдик. Шунда истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимояси борасида айрим муаммолар борлиги маълум бўлди. Шу боис депутатлик гуруҳи масалани батафсил таҳлил қилишга қарор қилди, ишчи гуруҳи тузилди, унинг режаси ишлаб чиқилди.

Дастлаб, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг Каттақўрғон ва Оқдарё туманларида ижро этилишини ўргандик. Маълум бўлишича, Каттақўрғон ва Оқдарё туманларида савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда Қонун ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган. Эътиборлиси, бу борада самарадорликка эришиш учун маҳалла, корхона ва ташкилотларда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилган.

Шу билан бирга, ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, Қонун ижросида жиддий камчиликлар ҳам мавжуд.

***Каттақўрғон туман электр тармоқлари корхонасида истеъмолчилардан нақд пул орқали тўловлар қабул қилинмоқда. Банк пластик карточкалари орқали хизмат кўрсатиш даражаси эса анча паст. Айрим ҳолатларда ўқитувчиларнинг иш ҳақидан электр энергия хизмати учун ушлаб қолинган, уни расмийлаштириш қониқарсиз аҳволда. Истеъмолчилар томонидан билдирилаётган мурожаат ва шикоятларни юритиш дафтари рақамланмаган ва корхона раҳбари томонидан тасдиқланмаган.***

Жорий йилнинг 4 мартигача 90 та шикоят ва ариза тушган. Аммо улар қонуний расмийлаштирилиб, ўрганиб чиқилгани ва муаллифига жавоб ёзилгани ҳақида корхона раҳбари бирон-бир маълумот тақдим эта олмади. Каттақўрғон туман газ таъминоти корхонаси фаолиятида ҳам худди шундай ҳолат ҳукм сурмоқда. Жорий йилнинг дастлабки уч ойида ташкилотга 400 дан ортиқ ариза ва мурожаат тушган. Лекин уларнинг аксарияти тегишли тартибда кўриб чиқилмаган ва айрим фуқароларга жавоб берилмаган. Бундан кўринадики, нафақат «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, балки «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун талаблари ҳам қўпол равишда бузилган.

Каттақўрғон туманидаги қурилиш моллари бозори ҳамда Оқдарё туман газ таъминоти корхонаси («Марказгазтаъминот» унитар корхонаси Оқдарё филиали)да «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 5- ва 6-моддаларига риоя этилмаган. Жумладан, қурилиш бозори ҳудудига кириш жойида бозорнинг номи, юридик манзили ва иш тартиби тўғрисидаги ахборот лавҳаларда акс эттирилмаган. Товар (иш, хизмат)лар ҳақида керакли ва тушунарли маълумот мавжуд эмас. Товарларнинг хавфсизлиги ва сифати ҳақида ҳам ҳеч қандай маълумот йўқ.

Оқдарё туман газ таъминоти корхонасида «Истеъмолчи бурчаги» ташкил этилмаган, улар учун таклифлар ва шикоят дафтари юритилмаган.

***Оқдарё туманида 2011 йил 1 март ҳолатига кўра, савдо, умумий овқатланиш, дорихона, ёқилғи қуйиш шохобчалари ва маиший хизмат кўрсатиш субъектлари 289 тани ташкил этади. Лекин уларнинг фақат 154 тасида банк пластик карточкалари орқали хизмат кўрсатиш учун терминал ўрнатилган.***

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси туман бўлими 2010 йилдаги фаолияти ҳамда корхона, ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорликдаги ишлари бўйича ҳеч қандай маълумот тақдим эта олмагани кишини ҳайрон қолдиради. Ҳатто унинг раҳбари туманда Қонун ижросини ўрганиш жараёнида қатнашишни лозим кўрмади.

Умуман олганда, ҳар икки туманда ҳам хизмат кўрсатиш шохобчалари, савдо корхоналари, коммунал тўловларни қабул қилишда банк пластик карточкалари орқали хизмат кўрсатиш даражаси талабга жавоб бермайди. Шунингдек, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмларини яратишда давлат бошқаруви, назорат қилувчи идоралар билан биргаликда ишлаш, хусусан, фуқароларнинг шикоятларини қабул қилиш ва ўрганишда бир қатор камчиликлар мавжуд.

Ишчи гуруҳи бунинг барчасини чуқур ўрганди. Унинг натижалари депутатлик гуруҳида атрофлича муҳокама қилинди. Депутатлик гуруҳи партиямиз электорати манфаати билан боғлиқ бўлган бу масалани халқ депутатлари вилоят Кенгашининг сессияси муҳокамасига олиб чиқишга қарор қилди.

***Яқинда бўлиб ўтган халқ депутатлари Самарқанд вилоят, Каттақўрғон ва Оқдарё туман Кенгашларининг қўшма мажлисида бизнинг ташаббусимиз билан «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг Каттақўрғон ва Оқдарё туманларидаги ижросига оид масала кўриб чиқилди.***

Қўшма мажлисда бу масала бугунги кун нуқтаи назаридан ниҳоятда долзарб экани таъкидланди. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари, хусусан, улардаги тегишли доимий комиссиялар ўз ҳудудларида мазкур Қонун ижросини ўрганиб, сессияларда мутасадди идоралар раҳбарлари ва мутахассислари иштирокида муҳокама этиш тавсия қилинди. Барча туман ва шаҳарларда ҳар ойнинг охирги шанба куни истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш масаласи билан шуғулланиш куни деб эълон қилиш таклифи маъқулланди. Шунингдек, ҳар бир депутат зиммасига ўз сайлов округида истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоясига бағишлаб хизмат кўрсатувчилар, назорат идоралари ходимлари иштирокида очиқ мулоқот ва давра суҳбатлари ўтказиш вазифаси юклатилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун ижросини тўкис таъминланиши учун жиддий чора-тадбирлар белгиланиши зарур. Бундан ташқари, истеъмолчиларнинг ҳуқуқий билимини кучайтириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигини ошириш ғоятда муҳим. Зеро, истеъмолчи ҳуқуқининг қонуний ҳимояси хизматлар сифати ошиши билан чамбарчас боғлиқ. Бунинг учун, аввало, мутасадди ташкилот ва идоралар масъулиятини ошириш, ўз навбатида, Қонун ижроси бўйича жамоатчилик назорати кучайиши талаб этилади.

ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти

# Ижтимоий-сиёсий фаолликка интилиш

## *бизни янада жипслаштирмоқда*

Ҳар қандай мамлакатнинг бугуни ва истиқболи ўсиб келаётган ёшлар тимсолида намоён бўлади. Шундай экан, уларнинг маънавий-маърифий ва мафкуравий тарбиясини мустаҳкамлаш, она Ватанга садоқати ва меҳр-муҳаббатини шакллантириш бугуннинг долзарб вазифаларидан биридир. Шу боис, бу борада давлат ва жамоат ташкилотлари қатор дастур ва лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Сайловолди дастурида ҳам ёшларнинг давлат ва жамият қурилишидаги фаоллигини ошириш, сиёсий жараёнлардаги иштирокини кучайтириш, фуқаролик позициясини шакллантириш алоҳида ўрин тутади. Партия «Истиқбол» ёшлар қаноти бу вазифаларни адо этиш мақсадида қатор тадбирларни амалга оширмоқда.



Бугунги кунда мазкур қанот ўз сафига 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган 110 минг нафардан ортиқ ёшларни бирлаштирган. Президентимиз Конституция байрамида Ватанимизнинг нурли келажаги ҳақида сўз юритиб, «Мен қатъий ишонаман — бизнинг болаларимиз мамлакатимизни ислоҳ қилишнинг ғоя ва мақсадлари онги ва қалбига яқин бўлган ёшларимиз ана шундай орзу-умидларимизга албатта муносиб бўладилар, шу мақсадларни амалга ошириш учун астойдил курашадилар ва албатта, бу маррани ҳам қўлга киритадилар», дея таъкидлаган эди. Бизнинг фаолиятимиз мана шу ишончни оқлайдиган, юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган ёш сиёсатчиларни тарбиялашга қаратилган.

Сафимизда мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий равнақига муносиб ҳисса қўшаётган ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Қанот ўз фаолияти давомида ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини такомиллаштириш, давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирокини таъминлаш учун бир қатор ишларни амалга оширмоқда.

Тарғибот натижасида минглаб ёшларнинг ижтимоий онги, ҳаётга муносабати ўзгариб бораётганини таҳлиллар кўрсатмоқда. Ёшларнинг сиёсий етуклиги, юртимизда ва дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисалар ҳақида ўз мустақил фикри, фуқаролик муносабати шаклланиб бораётгани кишини қувонтиради, албатта.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ташкил этилган минтақавий анжуманларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида муҳокама қилинаётган «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқалиши ва истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги қонун лойиҳасига ёшлар ўз таклифларини билдиришди. Улар парламент қуйи палатасидаги ЎзХДП фракциясига қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикрлари асосида мурожаатнома юборишди.

Бу ёшларнинг фаол фуқаролик позицияси шаклланаётгани, улар тобора ташаббускор кучга айланаётганини кўрсатади.

«Истиқбол» ёшлар қаноти ташаббуси билан ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш, жамият ва давлат қурилишидаги иштирокини кучайтириш мақсадида яна бир лойиҳа — «Ёш сиёсатчи» кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда. Танлов ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, ўз интилиши, орзу-мақсадини рўёбга чиқаришга хизмат қилаётганини кўплаб мисолларда кўриш мумкин. Шунингдек, ёшлар орасидан етакчилик салоҳиятига эга бўлганларни аниқлаш, уларнинг келгусида партия ташкилотларида ишлаши, сайланма органларига сайланиши, депутатликка номзод сифатида профессионал тайёрлашга, партия дастурий мақсадлари, ғоялари, вазифаларини амалга оширишга хизмат қилмоқда.

Ўтказилган танловларда ёшларнинг депутатлик гуруҳлари билан алоқаларини ривожлантириш ва улар билан ишлашини ташкил этиш юзасидан кўплаб таклифлар илгари сурилди, шу билан бирга, «Истиқбол» фаолиятини сифат жиҳатдан ўсишига туртки бўлди.

Танловда иштирок этиш истагидаги ёшлар сафи эса йилдан-йилга кенгайиб бораяпти. Хусусан, 2008 йилда 4 мингдан зиёд, 2009 йилда 5000 нафардан ортиқ, ўтган йили эса 7500 нафар йигит-қиз қатнашди.

Яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, танлов орқали 1000 га яқин ёшлар Ўзбекистон ХДП сафига кириш истагини билдирди. Энг муҳими, улар сиёсий жараёнда фаол иштирок этмоқда. Шунингдек, ХДПда фаол ёшлар, ёш сиёсатчи ва ёш етакчилар қатлами шаклланиб, улар партия электорати манфаатларини таъминлаш йўлида ташаббуслар билан чиқмоқда.

«ЎзХДПда ёш сиёсатчи — 2011» кўрик-танловининг туман, вилоят босқичи ниҳоясига етди. Унда йигит-қизлар сиёсий-ҳуқуқий билимларини, нотиқлик маҳоратини, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши истиқболларини таҳлил этиш қобилиятини, депутатликка муносиб номзод бўла олиш сифатини намоён этдилар. Бу йил танловга яна бир шарт қўшилди. Унга кўра, иштирокчилар Президентимиз илгари сурган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» ғоялари, унда белгиланган вазифаларни бажаришда тенгдошларининг иштироки ҳақидаги билимлари ва қарашларини билдиришмоқда.

Айни пайтда дастлабки босқичлар ғолиблари республика танловига тайёргарлик кўришмоқда. Президентимизнинг «Ёшларимиз тимсолида униб-ўсиб, ҳал қилувчи бунёдкор куч сифатида майдонга чиқаётган, она-юртимиз келажагининг эгаси бўлган миллионлаб азму шижоатли фарзандларимизни мен ўзимнинг энг катта умидим ва ишончим деб биламан», деган сўзлари барчамизга катта куч ва ғайрат бағишламоқда.

**Меҳрож ДАРХОНОВ,**
**ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходими.**

13 июль — Рустам Қосимжонов жаҳон чемпиони бўлган кун

## Рустам Қосимжонов:



# Мен эмас — Ўзбекистон чемпион бўлди, жаҳон шоҳмот тожига мен эмас — бутун ўзбек халқи сазовор бўлди

**2004 йил 13 июль**

Ўзбек ўғлони Рустам Қосимжонов шоҳмот бўйича жаҳон чемпиони бўлгани тўғрисидаги хушхабар бутун оламга таралди. Агар жаҳон чемпионлиги учун мусобақалар 1886 йилдан ўтказилаётгани ва ўтган 128 йил ичида Рустам 17-бўлиб жаҳон шоҳмот тожини кийганини эсга олсак, бу ғалаба халқимиз учун ниҳоятда улкан муваффақият эканлигини янада чуқурроқ идрок этамиз.

Ўшанда Президентимиз жаҳон чемпионати ўтказилган олис Триполи шаҳрига Рустам Қосимжоновга табрик йўллади: **«Юртимиз ҳаётидаги бу тарихий воқеа мустақиллик одамларимиз учун, аввало ёш авлод учун нақадар катта имкониятлар очиб берганини, бизнинг ҳеч кимдан кам эмаслигимиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаслигимизнинг яна бир амалий тасдиғидир».**

**«Балки, мен бугун бўлажак жаҳон чемпиони билан дона суришдим»**

Рустам Қосимжонов юртимизда шоҳмотни янада ривожлантиришга, ёшлар ўртасида оммалашишига ўз ҳиссасини қўшишга астойдил киришди. Унинг болалар учун «Шоҳмотнинг сирли олами» китобини ёзгани фикримизнинг исботидир.

Рустамнинг ғалабаси ва унинг шоҳмотни янада ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси юртимиз қадимий ўйин тараққиётидаги тарихий вазифасини ҳамон бажариб келаётганидан далолат бермоқда. Бунинг учун шу йил баҳорида пойтахтимизда жаҳоннинг ўн бешинчи ва амалдаги чемпиони, ҳиндистонлик Вишванатан Ананд билан жаҳоннинг ўн еттинчи чемпиони, юртимиз фахри Рустам Қосимжонов ўртасидаги ўртоқлик учрашувини эслашимиз кифоя.

Бу учрашув ўз-ўзидан ташкил этилмади. Рустам Ананднинг 18-жаҳон чемпиони Веселин Топаловга, 19-жаҳон чемпиони Владимир Крамникка қарши чемпионлик баҳсларида секундант-мураббийлик қилди. Бу ҳамкорлик Ананднинг чемпионлик унвонини сақлаб қолишига ёрдам берди.

Ананд тадбир доирасида юртимизда болалар спортини, хусусан, шоҳмотни ривожлантиришга давлат миқёсида эътибор қаратилаётгани ҳақидаги маълумотларни мамнуният билан тинглади. Йигирма нафар иқтидорли ёш шоҳмотчимизга маҳорат дарслари ўтди, яъни бир йўла сеанс ўйинлари берди. Аҳамиятлиси, икки нафар ёш истеъдодимиз Анандни мағлубиятга учратди, олти нафари жаҳон чемпиони билан дуранг ўйнади.

Сеансдан кейин Ананд таассуротлари ҳақида гапирар экан, жумладан шундай деди: «Балки, мен бугун бўлажак жаҳон чемпиони билан дона суришдим». Бу Ананднинг юртимиздаги шоҳмот ривожига, ёш шоҳмотчиларимизнинг интеллектуал салоҳиятига берган юксак баҳоси, эътирофи эмасми?!

Эртаси кун иқтидорли шоҳмотчиларимизга Рустам Қосимжонов сеанс берди. У учрашув таассуротлари ҳақида гапирар экан, ҳозирги ёшларга ҳавас қилишини таъкидлади: «Уларнинг маҳоратларини оширишлари учун барча шароитлар яратилган, ҳар ойда мусобақаларда иштирок этишади. Мана бугун ҳам жаҳон чемпионларига қарши юзма-юз дона суришди. Биз ёшлигимизда бундай учрашувларни фақат орзу қилардик, холос».

**1979 йил 5 декабрь**

Тошкентдаги зиёлилар оиласида ўғил фарзанд дунёга келди. Унга Рустам деб исм қўйишди. У олти ойлигида отаси Машруқ Қосимжонов оламдан ўтди.

Рустам пойтахтимиздаги «Ўқчи» маҳалласида вояга етди. Беш ёшида шоҳмот ўйинига қизиқиб қолди. Тақдир тақозосидир, шоҳмотга ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби у ўқиётган мактабга вақтинча жойлаштирилди. Иккинчи синфда ўқиётган Рустам меҳрибон мураббий Александр Грушевский шоҳмот тўгарагида шуғуллана бошлади. Устоз қобилиятли, тиришқоқ ва интизомли шогирдига қўшимча топшириқлар берди. Ёзги таътил олдидан шоҳмот китобини совға қилиб, ундаги вазифаларни ечишни топширди.



**Жаҳон чемпионлари — Вишванатан Ананд, Рустам Қосимжонов ва FIDE президенти Кирсан Илюмжинов.**

**2004 йил 18 июнь куни Триполи шаҳрида дунёнинг сараланган 128 нафар шоҳмотчиси жаҳон чемпионати баҳсларини бошлади. 13 июль куни ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов жаҳон чемпиони бўлди. Бунинг учун у Европа вице-чемпиони, украиналик Василий Иванчукни, Венгриянинг беш карра чемпиони Золтан Алмашини, Россиянинг иқтидорли гроссмейстери Александр Гришчукни, Болгариянинг номдор гроссмейстери Веселин Топаловни, Англия чемпиони Майкл Адамсни мағлубиятга учратди. 26 кун ичида бири-бириданмасъулиятли 28 та ўйин ўтказди.**

Кузда вазифаларни аъло даражада бажарганини кўрган устознинг меҳри шогирдига нисбатан ошди. Шу орада спорт мактаби кўчди, уйидан узоқ бўлгани учун Рустам шоҳмот машғулотларига бора олмади. Устоз шогирдини уйига излаб келди. Бу ерда Рустамни шоҳмот машғулотларига олиб борадиган киши йўқлигини кўрди. Фидойи инсон Рустамни уйидан ўзи олиб кетиб, машғулотлардан кейин ўзи олиб келиб қўя бошлади. Мусобақалардан олдин уйида қўшимча машғулотлар ўтказди. Устоз-шогирднинг ҳаракатлари самарасини берди. Рустам 11 ёшида 18 ёшгача бўлган шоҳмотчилар ўртасида Ўзбекистон чемпиони бўлди. Олижаноб устози Рустамни тажрибали мураббий Сергей Пинчукка тавсия этди.

**Талант тарбияси**

Президентимизнинг 1993 йил 5 февралдаги «Ўзбекистон ўқувчи-ёшларини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони Рустам каби истеъдодли ёшларга жаҳон дарвозаларини очди. Биринчи уринишдаёқ Рустам ўзига билдирилган ишончни оқлади: 1994 йилда ўсмирлар ўртасида Венгрияда ўтказилган жаҳон чемпионатида бронза медалини қўлга киритди, Қатарда ташкил этилган Осиё чемпионатида ғолиб чиқди.

Юртбошимиз ёш истеъдодни ғалабаси билан табриклаб, унга ўша даврда ноёб ҳисобланган компьютер совға қилди ва халқаро мусобақаларда қатнашиши учун ҳомий ташкилот бириктирди. Рустам 1995 йилдан халқаро мусобақаларда қатнаша бошлади, рейтинг очколарини ошириб борди. 1997 йил бошида Францияда ўтган халқаро мусобақада илк бор гроссмейстерлик талабига мос очко тўплади. Май ойида Ўзбекистон чемпионатида қатнашди. Охирги турда у пешқадамни ютса, чемпион бўларди ва гроссмейстерлик талабини бажарарди. «Буюртмага асосан ғалаба» фақат иродали ва маҳоратли шоҳмотчиларга насиб этади. У кескин ўтган учрашувда ажойиб ғалабага эришди, Ўзбекистон чемпиони ва халқаро гроссмейстер бўлди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг энг ёш чемпиони ва гроссмейстерини юксак ғалабаларга руҳлантириш учун унга янги замонавий компьютер совға қилди. Бундай эътибордан кўнгли ўсган Рустам Президентимизга миннатдорлик мактуби ёзди:

«Сизнинг ғамхўрлигингизга жавобан бундан сўнг бутун ғайратимни катталар ўртасида жаҳон чемпиони бўлишга қаратмоқчиман». Рустам 1998 йилда Осиё чемпиони бўлди, 1999 йилда ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида кумуш медални, 2000 йилда Бутунжаҳон шоҳмот олимпиадасида шахсий ҳисобда бронза медалини қўлга киритди. Президентимиз 1998 йилда Рустам Қосимжоновни «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони, 2000 йилда «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони билан мукофотлади. Ғамхўрликдан руҳланган Рустам 2002 йилда Жаҳон кубогида Ананддан кейин иккинчи ўринни эгаллади. Бу Рустамнинг яқин келажакда жаҳон шоҳмот тожини кийишидан дарак эди.

**Мустақиллик меваси**

2004 йил 13 июль. Ўзбекистон фарзанди Рустам Қосимжонов шоҳмот бўйича жаҳон чемпиони бўлди. Ўшанда у Президентимиздан табрик телеграммаси олганди. Ўзи ҳам биринчи бўлиб Юртбошимизга миннатдорлик мактуби ёзишга киришди:

«...Сизга бир неча йил олдин ўзингиз совға қилган компьютерда ёзган хатимда берган ваъдамни бажарганимдан беҳад хурсандман. Мен бу ютуқни устозларимнинг меҳнати ва албатта Сизнинг бевосита эътибор ва ғамхўрлигингиз натижаси, деб биламан. Шунинг учун ҳам бугун мен эмас — Ўзбекистон чемпион бўлди, жаҳон шоҳмот тожига мен эмас — бутун ўзбек халқи сазовор бўлди, деб ҳисоблашингизни сўрайман».

Ғалаба қувончимизга шукроналик шукуҳи уланди. Президентимиз фармонига кўра Рустам Қосимжонов Амир Темур ордени билан мукофотланди. Конституция байрами арафасида Ватанимизнинг олий мукофоти тантанали равишда топширилди. Рустам Президентимизга ўз миннатдорлигини изҳор этди:

— Тўғрисини айтсам, Сиз ғамхўрлик кўрсатмаганингизда мен жаҳон чемпиони бўлмасдим. Шу боис чемпионлик олтин медали сизники! — деди у ва жаҳон чемпионати олтин медалини Юртбошимизга тақдим этди...

**Асрор МЎМИН**

Иқтисодиёт ва ислоҳот

# Молиявий ёрдам — фаровонликка хизмат қилмоқда

**Бу борада Ўзбекистон — Германия «Савдогар» очиқ акциядорлик-тижорат банкининг Андижон вилоят филиалида амалга оширилган ишлар, айниқса, диққатга сазовор.**

Банк филиали томонидан 2011 йил 1 июнига қадар барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 1 млрд. 560 млн. сўм кредит маблағлари йўналтирилди. Ушбу маблағлар ҳисобига кўпгина тадбиркору ишбилармонлар ўз бизнесларини йўлга қўйишди. Қисқа давр ичида 15 нафар кичик бизнес субъектларига 247,5 млн. сўмдан ортиқ молиявий кўмак кўрсатилди.

Масалан, Андижон шаҳрида фаолият олиб бораётган якка тартибдаги тадбиркор Дониёрбек Муталибовга автомобилларни таъмирлаш хизматини ривожлантириш мақсадида ускуна ва қурилиш материаллари сотиб олиш учун 40,0 млн. сўм кредит маблағи ажратилди.

Пахтаобод шаҳрида фаолият олиб бораётган хусусий тадбиркор Нурилло Деҳқонов бир неча йиллардан бери паррандачилик билан шуғулланиб келмоқда. У ўз ишларини янада ривожлантириш мақсадида банкдан 20,0 млн. сўм кредит маблағи олганди. Ушбу маблағ эвазига корхона қуввати ошди. Янги иш ўринлари яратилди.

Банк филиали томонидан 995,0 млн. сўмлик инвестицион лойиҳалар молиялаштирилган бўлиб, ажратилган кредит маблағлари ҳисобидан 41 нафар янги иш ўринлари яратилди.

Андижон вилоятида фаолият олиб бораётган Ҳаётбек Мирзаев раҳбарлик қилаётган «Шаҳриёр транс элит» масъулияти чекланган жамияти аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш мақсадида автомашина сотиб олиш ҳамда метан газ қурилмаси ўрнатиш учун 583,8 млн. сўм кредит маблағи олганди. Ушбу кредит ҳисобидан 15 нафар янги иш ўринлари яратилди.

Хўжаобод туманида фаолият олиб бораётган Аъзамжон Умаров бошчилик қилаётган «Шифо» масъулияти чекланган жамиятига медицина докаси (бинт) ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш мақсадида 160,0 млн. сўм кредит маблағи ажратилганди. Ҳозир бу ерда маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайиб, сифати ошиб бормоқда. 8 та янги иш ўринлари яратилди.

Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаби тобора ортиб бораётганини ҳисобга олиб банк филиали томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган тадбиркорлик субъектларига 2011 йил 1 июнь ҳолатига 228,5 млн. сўм кредит ажратилди.

Андижон шаҳрида фаолият олиб бораётган Тўлқинжон Ҳайдаров раҳбарлик қилаётган «Тўлқинжон қандолати» МЧЖ бунга мисол бўла олади.

Мазкур корхонага қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш учун дастгоҳ, хомашё сотиб олиш ҳамда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб бориши учун 41,0 млн. сўм кредит маблағи ажратилди. Бунинг ҳисобига 5 та янги иш ўринлари яратилди.

Бундан ташқари, Андижон шаҳрида фаолият олиб бораётган Улуғбек Сатторов раҳбарлик қилаётган «Анд ҳалол замин» МЧЖга қолипли нон ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш мақсадида 70,0 млн. сўм кредит маблағи ажратилди. Бу ерда 4 та янги иш ўринлари яратилди.

Қурилиш материаллари, ишлаб чиқариш борасида бозорда ўз ўрнига эга бўлган Улуғбек Зуҳритдинов раҳбарлик қилаётган «Енгил бетон» савдо ишлаб чиқариш хусусий фирмасига айланма маблағини тўлдириш учун 30,0 млн. сўм кредит берилди.

Президентимизнинг «Андижон вилояти турар-жой массивларининг коммунал инфратузилмасини жадал ривожлантириш бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бажарилишини таъминлаш мақсадида банк филиали томонидан ҳозиргача 353,0 млн. сўмдан ортиқ кредит маблағлари ажратилди. Бу эса 20 та янги иш ўринлари яратиш имконини берди.

Андижон шаҳрининг, Мустақиллик кўчасида жойлашган «Биллур сайқали» МЧЖга ҳозирги кун талабларига мос ҳолда уч қаватли замонавий кўринишда савдо дўкони қуриш ва таъмирлаш мақсадида 120 млн. сўм кредит маблағи ажратилган бўлиб, бу кредит маблағлари натижасида 8 та янги иш ўринлари яратилди.

Тадбиркор аёлларга ва асосан аёллар меҳнат қиладиган корхоналарга жами 628,5 млн. сўм кредит маблағи ажратилган бўлиб, ушбу кредитлар ҳисобидан 36 та янги иш ўринлари яратилган.

Кўриниб турибдики, банк филиали томонидан йўналтирилаётган кредит маблағлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Кўплаб янги корхоналар, цехлар фойдаланишга топширилди. Маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайди, сифати ошди. Демак, истеъмол бозори ҳам тўлиб бораётир. Шу боис аҳоли Ўзбекистон — Германия «Савдогар» ОАТБ хизматидан мамнун бўлишаётир.

**Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,**
**Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбирлари.**




Государственное унитарное предприятие

**«Toshkent Xalqaro Aeroporti»**

***объявляет открытый тендер на приобретение химического антигололедного реагента гранулированного.***

Предмет тендера: приобретение химического антигололедного реагента гранулированного, в количестве 128 тонн (два вагона).

Максимальный срок поставки: 90 дней

Прием заявок на участие в тендере будет осуществляется до 30 июля 2011 г.

Сроки проведения тендера: с 01.08.2011г. по 10.08.2011г.

В тендере могут принять участие отечественные компании, действующие на рынке Республики Узбекистан не менее 3-х лет, а также иностранные компании и организации любой формы собственности.

Приветствуется наличие сертификатов.

Заявки на тендер принимаются по адресу: Узбекистан, ГСП 100167, г.Ташкент, ул С. Толипова, 13.

Тендерная комиссия, 1-ЗДА аэропорта

Телефон/факс: 140-28-48

Контактное лицо: инженер Геннадий Гостенин (+99897) 710-22-53 (моб).

E.mail: Omts.tas@UZAIRWAYS.COM

Инструкция участника тендера выдается только по поданной заявке в письменной форме.

Претенденты, желающие принять участие в тендере, могут получить тендерную документацию, которая предоставляется каждому претенденту бесплатно.

Контрактные условия платежа указаны в «Инструкции к тендерным документам».

# Юксак тафаккур маҳсули

**Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 675 йиллиги арафасида Халқаро Амир Темур жамғармаси, ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти томонидан нашрга тайёрланган «Темур тузуклари» асари Президентимиз Ислом Каримов сўзбошиси билан очилади.**




Тарих инсоният босиб ўтган йўлнинг кўзгуси. Унга боқиб, ўтмиш билан бугун таққосланади. Миллий давлатчилигимиз тарихининг асрий анъаналаридан хулосалар чиқарилади. Шу маънода, XIV-XV асрларга оид бу қимматли манбанинг қайта нашр этилиши Ватанимиз тарихига том маънода улкан воқелик сифатида муҳрланди.

Мустамлакачилик йилларида, буюк ва шонли тарихимиз, улуғ аждодларимизнинг бетакрор маънавий меросини халқимиз онгу шууридан ўчириб ташлашга зўр берилди. Кўплаб алломаларимиз қатори Амир Темурнинг ҳаётини холисона ўрганишга, унинг маънавий меросини тадқиқ қилишга йўл қўйилмади.

Мамлакатимиз раҳбарининг мазкур асарга ёзган сўзбошида бу ҳақда **«Оллоҳга шукрки, истиқлолга эришганимиздан кейин бу масалада ҳам тарихий адолат қарор топди. Муқаддас юртимиз заминида яшаб ўтган кўплаб улуғ сиймолар қатори Амир Темур бобомизнинг номи, шаъну шавкати ва мероси ҳам қайта тикланиб, бу зот ҳақидаги асл ҳақиқат холис ва ҳаққоний ёритилмоқда, тадқиқотлар олиб борилмоқда, китоблар ёзилмоқда. Зеро, Амир Темур шахсини идрок этиш — тарихни идрок этиш демакдир. Амир Темурни англаш — ўзлигимизни англаш демакдир. Амир Темурни улуғлаш — тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажагимизни, ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир»,** деб таъкидланади.

Шу ўринда 700 йил ортга назар ташлайлик. Ўша пайтларда жаҳоннинг ярми мўғуллар истибдодидан азият чекарди. Ўзаро низолар, уруш ва босқинлар авж олганди. Мана шундай тарихий парокандалик исканжасида қолган миллионлаб одамлар ўз халоскорини кутарди. У Амир Темур сиймосида майдонга чиқди. Ва ер юзининг катта қисмида адолат ўрнатди. Шундан бўлса керак, унинг номини ҳатто Европа мамлакатларида ҳам ҳурмат билан тилга олишади.

Амир Темур давлат ва жамият бошқарувининг илғор тизимини, тартиб-қоидаларини ишлаб чиқди ҳамда амалиётга татбиқ этди. У ўзидан олдин ўтган жаҳонгирлардан фарқли равишда, забт этилган мамлакатлар, шаҳар ва қишлоқлар кулини кўкка совурмади. Аксинча, ҳар қандай адолатсизликларга барҳам берди, ўз тузуклари асосида халқпарвар бошқарувни жорий қилди. Карвонсарой, тим, бозор, шифохона, масжид ва мадрасалар бунёд этди. «Темур тузуклари»да **«қай бир жойдан бир ғишт олган бўлсам, ўрнига ўн ғишт қўйдим, бир дарахт кестирсам, ўнта кўчат ўтқазардим»,** деган ибратли сўзлар борлиги ҳам фикримиз далилидир.

Буюк давлат арбоби миллий ва халқаро иқтисодиётни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди. У шундай солиқ тизими ва деҳқонларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга оширадики, пировардида Мовароуннаҳр аҳли ўзларининг ғалла ҳамда гуручга бўлган эҳтиёжларини қоплаб, ортганини қўшни мамлакатларга сотиш имкониятига эга бўлади.

Ўша давр тарихчиси Ҳофиз Абрў ўз асарларида Соҳибқироннинг турк, араб ва форслар тарихини чуқур билганлиги, ҳар бир воқеа ва ҳодисага нисбатан оқилона хулоса чиқариш қобилиятига эга бўлганлигини ёзиб қолдирган. Унинг ҳар бир масалани соҳа билимдонлари билан маслаҳатлашиб ҳал қилгани ҳам алоҳида қайд этилган.

Асарнинг янги нашри сўзбошисида **«Улуғ аждодимиз, гарчи буюк бунёдкор ва жаҳонгир бўлса-да, куч-қудрат зўрлик ва зўравонликда эмас, аксинча, адолатда, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликда эканини ниҳоятда чуқур англаган. Унинг давлатни оқилона бошқариш, ўта мушкул ва имконсиз вазиятда ҳам тўғри йўл, тадбир топа олиш қобилияти, ноёб ақл-заковати ҳар қандай одамни ҳайратга солади»,** деб Соҳибқироннинг мазкур хислатларига юксак баҳо берилган.

Зўравонлик, куч ишлатиш билан ҳеч қачон, ҳеч қаерда тинчлик ўрнатиб бўлмайди. Амир Темур ўзи эгаллаган мамлакатларнинг муайян урф-одатларини ҳисобга олиб, уларнинг асрлар давомида шаклланган қадриятлари ва менталитетидан келиб чиқиб ҳар қандай масалага сиёсий ечим топа олгани билан ҳам кўпчиликка ибрат бўлган.

«Темур тузуклари»да бошқа ижтимоий-сиёсий ва ҳарбий масалалар бўйича муфассал маълумотлар келтирилган. Шуни фахр-ифтихор билан айтиш мумкинки, асардаги кўплаб соҳаларни қамраб олган фикр ва мулоҳазалар, маслаҳат ҳамда тавсиялар ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган, бугун дунёнинг бир қатор мамлакатларида улардан давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришда фойдаланилмоқда.

Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, **«Амир Темурдек буюк ва бетакрор сиймони ҳар томонлама тушуниш, у барпо этган қудратли салтанатнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-мафкуравий асосларини, Соҳибқироннинг давлат бошқаруви борасидаги улкан салоҳияти, маҳорати, билим ва тажрибаларини ўрганишда, умуман айтганда, ҳаёт сирларини англаб етишда «Темур тузуклари» бебаҳо қўлланма бўлиб хизмат қилади».**

**Шокир ҒАФФОРОВ,**
**тарих фанлари доктори.**






Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

# Мексика — жаҳон чемпиони, Ўзбекистон ўсмирлари эса чемпионат кашфиёти




**Мексикада ўтган жаҳон чемпионатида кучли саккизликдан ўрин олган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Тошкент халқаро аэропортида тантанали равишда кутиб олинди. Ўсмирларимиз ёрқин ғалабалари билан мамлакатимиз футбол тарихида зарҳал саҳифани бошлаб беришди.**

Энди, жаҳон чемпионати ярим финал ўйинлари ҳақида. Уругвайликлар бу босқичда ҳам ғалабали одимларини давом эттириб, бразилияликлардан устун келишди — 3:0. Мексикаликлар эса чемпионатда ажойиб ўйин кўрсатаётган германияликлардан сўнгги дақиқада ғалабани тортиб олишди — 2:3.

Учинчи ўрин учун кечган учрашув ҳам қизиқарли ўтди. Унда германияликлар иродали ўйин намойиш этишиб, бразилияликлардан кучлироқ эканликларини исботлашди — 4:3. Мехикодаги 105 минг томошабинга мўлжалланган «Ацтека» стадионида ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг финал учрашувида мезбонлар томошабинлар қўллаб-қувватлаши остида ҳисобни очишди. Асосий вақтга қўшиб берилган дақиқаларда қарши ҳужумда яна бир гол уругвайликлар дарвозасига киритилди — 0:2. Бу мексикаликларнинг чемпион бўлишини, уругвайликларнинг кумуш медаль билан қаноатланишини англатарди. Шундай қилиб, Мексика иккинчи бор жаҳон чемпиони (биринчи бор 2005 йилда) бўлди, уругвайликлар илк бор кумуш медаллар билан тақдирланишди.

Жаҳон чемпионатининг «Олтин тўп» соврини Хулио Гомес (Мексика)га, «Олтин бутса» соврини Сулаймон Кулибали (Кот Д'Ивуар)га, «Олтин қўлқоп» соврини Жонатан Куберра (Уругвай)га, «Ҳалол ўйини учун» соврини Япония терма жамоасига топширилди. Агар «Чемпионат кашфиёти» деган соврин бўлганда, ишончимиз комил, унга бизнинг ўсмирларимиз муносиб кўриларди.

**(Ўз мухбиримиз)**

Миллий матбуот марказида

# Имтиёзли кредит — тадбиркорга мадад

**Марказий банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини имтиёзли кредитлар билан таъминлаш мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.**

Таъкидлаб ўтиш жоизки, 2011 йилнинг январь-май ойлари давомида тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан 1 трлн. 486 млрд. сўм ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 баробарга кўп кредитлар ажратилди. Шундан, 295,2 млрд. сўми микрокредитлар ҳиссасига тўғри келиб, уларнинг ҳажми ўтган йилга нисбатан 1,4 баробарга ўсди.

Шунингдек, озиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга 294 млрд. сўм (ўтган йилга нисбатан 1,4 баробарга кўп), хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга 142,4 млрд. сўм миқдорида (ўтган йилга нисбатан 14 фоизга кўп) кредитлар, шунингдек, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига қорамол сотиб олиш учун 21,6 млрд. сўм (ўтган йилга нисбатан 1,6 баробарга кўп), оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш учун 11,2 млрд. сўм (ўтган йилга нисбатан 1,4 баробарга кўп) ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштиришга 6,8 млрд. сўмдан ортиқ (ўтган йилга нисбатан 5 баробарга кўп) имтиёзли микрокредитлар ажратилди.

Жорий йил якунига қадар соҳа субъектларига тижорат банклари томонидан ўтган йилга нисбатан 1,3 баробарга кўп ёки 3,5 трлн. сўмдан ортиқ кредитлар ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган январь-май ойлари давомида жамғарма маблағлари ҳисобидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 11,4 млрд. сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратилди. Жорий йил якунига қадар мазкур жамғарма маблағлари ҳисобидан 24 млрд. сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратилиши кўзда тутилмоқда.

**Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**


## Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки




*Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолияти ривожланишини қўллаб-қувватлаш, имтиёзли шартларда молиявий ёрдам кўрсатиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар доирасида янги иш ўринларини вужудга келтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки қуйидаги номинациялар бўйича танлов эълон қилади:*

**«Энг яхши инновация лойиҳаси»**
**«Хорижий валютадаги энг яхши инвестиция лойиҳаси»**
**«Тадбиркор аёллар орасида энг яхши бизнес-лойиҳа»**
**«Оилавий тадбиркорликка оид энг яхши бизнес-лойиҳа»**
**«Ёш тадбиркорларнинг энг яхши бизнес-лойиҳаси»**

**Танлов ўтказиш шартлари:**

1. **Танлов иштирокчилари:** Танлов ўтказилаётган вақтдаги ҳолатга кўра давлат рўйхатидан ўтган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари.
2. **Бизнес-режа тақдим этиш:** Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг барча минтақавий бўлинмаларига.
3. **Ҳужжатларни тақдим этиш муддати:** 2011 йил 1 августгача.
4. **Танлов босқичлари:** Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят бўлимлари миқёсида — 2011 йил август ойи.
5. **Танлов ғолибларини эълон қилиш муддати:** Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигини нишонлаш арафасида.
6. **Танлов ғолибларини мукофотлаш:** Ғолиблар махсус диплом, қимматбаҳо совринлар, шунингдек, банкнинг имтиёзли кредитидан фойдаланиш ҳуқуқи билан мукофотланадилар.

**Маълумот олиш учун телефонлар:**

| Минтақавий бўлинмалар | Телефон рақамлари | Минтақавий бўлинмалар | Телефон рақамлари |
|---|---|---|---|
| «Ўзмиллийбанк» Тошкент шаҳар бош бошқармаси | (371) 244-69-25 | Наманган бўлими | (369)223-17-95, 223-17-86 |
| Андижон бўлими | (374)224-53-38, 224-58-28 | Нукус бўлими | (361)780-00-17 |
| Бухоро бўлими | (365)223-72-48 | Самарқанд бўлими | (366)233-59-26, 233-69-08 |
| Гулистон бўлими | (367)225-25-10 | Тошкент вилоят бўлими | (371)252-77-29, 252-77-24 |
| Жиззах бўлими | (372)222-37-79, 392-11-12 | Термиз бўлими | (376)770-82-53 |
| Қарши бўлими | (375)780-85-20, 221-06-93 | Урганч бўлими | (362)226-93-79, 780-31-51 |
| Навоий бўлими | (436)227-83-67, 227-85-17 | Фарғона бўлими | (373)141-40-15, 224-22-69 |

**Қўшимча ахборот: 100084, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101.**
**Телефонлар: (+ 998 71) 238-56-68, 235-17-02 ёки www.nbu.com сайти**

**Ўзбекистон Миллий банки: биз сиз учун ишлаймиз!**


# Болажонлар қувончи

**Пойтахтимиздаги Ҳамза туманига қарашли тўртта мактабда болалар учун кундузги оромгоҳ ташкил этилди.**



— Оромгоҳимизда еттита гуруҳ бўлиб, 100 нафар бола ҳордиқ чиқараяпти, — дейди 207-мактаб директори Саодат Тўрахонова. — Улар кунни эрталабки бадантарбиядан бошлашади. Нонуштадан сўнг қизиқишларига кўра бичиш-тикиш, сурат чизиш, мусиқа, рақс, моҳир қўллар, спорт тўгаракларида қатнашишади. Шунингдек, ахборот-ресурс маркази ҳам кун давомида уларнинг ихтиёрида...

151-мактаб қошида очилган «Умид» оромгоҳида 125 нафар бола дам олмоқда.

— Ҳозир иккинчи мавсумни якунлаш арафасидамиз, — дейди оромгоҳ бошқарувчиси Элмира Фаризонова. — Дам олиш жуда қизиқарли ўтди. Болалар бу ерда вақтни мазмунли ўтказаяпти. Турли тўгаракларда қатнашиш билан бирга, музей ва театрларга саёҳат уюштираяпмиз. Шунингдек, шоир ва ёзувчилар билан мулоқотлар уларда катта қизиқиш уйғотаяпти. Болажонларни ҳафтада уч марта сузиш ҳавзасига олиб борамиз. Бу уларни жисмонан соғлом бўлишига ёрдам берса, тўгарак машғулотлари ва бадиий китоблар маънан юксалишига хизмат қилади.

204-мактабда ташкил этилган «Қуёшжон» оромгоҳи ҳам болалар билан гавжум. 125 нафар бола ҳар куни эрталабдан хуш кайфият билан қадрдон мактаб сари ошиқишади. Меҳрибон тарбиячилар, устозлар ҳамроҳлигида спорт мусобақалари, расм чизиш, рангли қоғозлардан турли буюмлар тайёрлаш ишларини катта қизиқиш ва иштиёқ билан бажаришаяпти.

— Мен расм чизиш, шохмот-шашка тўгаракларига қатнашаяпман, — дейди 10 ёшли Камила Бухарова. — Сурат чизишга жуда қизиқаман. Бу йилги таътил жуда ҳам яхши ўтмоқда.

**Гулруҳ ОДАШБОЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**ОБ-ҲАВО 12-13.07. 2011**

| | БУГУН | ЭРТАГА |
|---|---|---|
| Тошкент | 40°C | 42°C |
| Самарқанд | 37°C | 42°C |
| Нукус | 33°C | 38°C |
| Қарши | 39°C | 44°C |
| Урганч | 33°C | 38°C |
| Навоий | 39°C | 44°C |
| Фарғона | 35°C | 40°C |
| Бухоро | 39°C | 44°C |
| Андижон | 35°C | 40°C |
| Наманган | 35°C | 40°C |
| Термиз | 39°C | 44°C |
| Жиззах | 37°C | 42°C |
| Гулистон | 37°C | 42°C |
| Тошкент вил. | 37°C | 42°C |
| Лондон | 23°C | 19°C |
| Париж | 22°C | 29°C |
| Москва | 27°C | 29°C |
| Мадрид | 33°C | 28°C |
| Пекин | 32°C | 32°C |
| Гонгконг | 31°C | 29°C |
| Рим | 31°C | 31°C |
| Анқара | 32°C | 32°C |
| Токио | 33°C | 33°C |
| Стокгольм | 22°C | 20°C |
| Кейптаун | 17°C | 23°C |
| Қоҳира | 34°C | 35°C |
| Гавана | 32°C | 32°C |
| Вашингтон | 36°C | 35°C |

Ҳамза туман тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси томонидан 2007 йил 14 августдаги 001529-07-сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган Боткин кўчаси, 111а-уйда жойлашган «Сардор Сайдиёр» хусусий корхонаси (СТИР 300541538)

**ТУГАТИЛАДИ**

Ўзини-ўзи тугатиш тўғрисидаги 2011 йил 21 апрелдаги 1-сонли қарор.

Кредитор ва дебиторлар даъволари 2 ой муддатда 789-29-95 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

**MUASSIS:**
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

**TAHRIR HAY'ATI:**
Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari), G'affor HOTAMOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

**BO'LIMLAR:**
Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80;
Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

**MANZILIMIZ:** 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

*Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.*

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 746
11278 nusxada bosildi.

t — Tijorat materiallari
Topshirish vaqti — 21.00
O'zA yakuni — 00.15
Topshirilgan vaqti — 02.00

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Elmurod EGAMQULOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5